

НИМА ҚИЛМАСЛИК КЕРАК?

- пора ёки бошқа манфаат таклиф қилманг;
- «масалани ҳал қилиб бериш» учун воситачи қидирманг;
- шубҳали ҳолатни яширманг;
- тасдиқланмаган маълумотни ижтимоий тармоқларда тарқатманг;
- далилларни ўзгартирманг ёки йўқ қилманг.

Эслатма
Мурожаатда фақат сизга маълум бўлган аниқ ҳолатлар ва қонуний йўл билан олинган далилларни кўрсатинг.

ХАБАР БЕРИШ КАНАЛЛАРИ

Онлайн мурожаат
[sudyalaroliykengashi.uz/
uz/submission](https://sudyalaroliykengashi.uz/uz/submission)

Электрон почта
ins@sjco.uz

Ишонч телефони
71 200-26-00 ёки 1190

Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Авлиё
ота кўчаси, 124-уй.

КОРРУПЦИЯГА ДУЧ КЕЛСАНГИЗ:

АМАЛИЙ ҚАДАМ

7

Пора берманг.
Ноқонуний талабга рози бўлманг.
Ҳолат ҳақида хабар беринг.

ҲАЛОЛЛИКНИ ТАНЛАНГ. АДОЛАТНИ ҲИМОЯ ҚИЛИНГ.

ҲОЛАТНИ ТЎҒРИ БАҲОЛАНГ

Коррупциявий ҳолатга дуч келганда шошилмасдан, хавфсиз ва қонуний ҳаракат қилиш муҳим.

1

Хотиржамликни сақланг

Ноқонуний талаб ёки таклифга рози бўлманг. Вазиятни кескинлаштирмасдан, аниқ тафсилотларни эслаб қолинг.

2

Пора берманг

Пул, совға, хизмат ёки бошқа манфаатни шахсан ҳам, воситачи орқали ҳам таклиф қилманг.

ДАЛИЛЛАРНИ САҚЛАНГ

3

Ҳолатни қайд этинг

Воқеа санаси, вақти, жойи, иштирокчилар ва айтилган талабларни ёзиб қўйинг.

4

Далилларни асранг

Мавжуд ҳужжат, хабар, аудио, фото ёки бошқа маълумотларни қонуний тартибда сақланг.

5

Хабар беринг

Кенгашнинг онлайн шакли, электрон почтаси ёки ишонч телефони орқали мурожаат юборинг.

МУРОЖААТНИ КУЗАТИНГ

6

Қайд рақамини сақланг

Мурожаат рўйхатга олинганини текширинг ва унинг кўриб чиқилиш ҳолатини кузатиб боринг.

7

Махфийликни ҳимоя қилинг

Тасдиқланмаган маълумотни тарқатманг. Шахсий маълумотлар ва терговга оид ахборотни ошкор этманг.

Муҳим:

Манфаатлар тўқнашуви, ноқонуний таклиф ёки босим ҳақида ўз вақтида хабар бериш — одил судлов ва жамоатчилик ишончини ҳимоя қилишдир.